

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ
ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**471 Техник воситаларни ўлчаш воситалари ва синаш
воситалари жумласига киритиш мезонларини тасдиқ-
лаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2829*

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Техник воситаларни ўлчаш воситалари ва синаш воситалари жумласига киритиш мезонлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қирғида киради.

Бош директор

А. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 сентябрь,
550-сон

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги бош
директорининг 2016 йил 15 сентябрдаги
550-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Техник воситаларни ўлчаш воситалари ва синаш
воситалари жумласига киритиш
МЕЗОНЛАРИ**

Ушбу Мезонлар «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, техник воситаларни ўлчаш воситалари ва синаш воситалари жумласига киритишда қўлланилади.

1. Қуйидагилар техник воситаларни ўлчаш воситалари жумласига киритиш мезонлари ҳисобланади:

ўлчашларни амалга ошириш мақсадида қўлланилиши;

қийматлари маълум вақт давомида ўзгармас деб қабул қилинадиган нормаланган метрологик хусусиятларга эга бўлиши;

ўлчаш натижаларининг қонунлаштирилган бирликларда белгилаб қўйилган аниқликда бўлишини таъминлаши;

катталиқ бирликлари, катталиқ бирликларининг қаррали ёки улушли қийматларини сақлаш, узатиш ва қайта тиклаш имконининг мавжудлиги;

механик, электрик, оптик, физик-кимёвий, электрон тамойилда (тамойилларда) ишлаши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлиги.

2. Қўйидагилар техник воситаларни синаш воситалари жумласига қиритиш мезонлари ҳисобланади:

синашларни амалга ошириш мақсадида қўлланилиши;

қийматлари маълум вақт давомида ўзгармас деб қабул қилинадиган нормаланган техник тавсифларга эга бўлиши;

ўлчаш натижаларининг қонунлаштирилган бирликларда белгилаб қўйилган аниқликда бўлишини, шунингдек синаш натижаларининг ишончилигини таъминлаши;

механик, электрик, оптик, физик-кимёвий, электрон тамойилда (тамойилларда) ишлаши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлиги.

3. Қўйидагилар ўлчаш воситалари ва/ёки синаш воситалари ҳисобланмайди:

асосан индикатор функциясига эга бўлган, натижалари ўлчаш ва/ёки синаш натижалари ҳисобланмайдиган, фақат дастлабки баҳолаш учун қўлланадиган техник воситалар;

фақат ўлчаш ва/ёки синаш натижалари ҳақида ахборот узатиш функцияларини бажарадиган техник воситалар.